

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.1451777>

Ҳакимов Назар Ҳакимович

Тошкент амалий фанлар университети,  
“Тарих ва ижтимоий фанлар” кафедраси профессори,  
Фасафа фанлари доктори  
Email: [hakimovnazar@rambler.ru](mailto:hakimovnazar@rambler.ru)

**Аннотация:** Мақолада янги Ўзбекистон шароитида яшил иқтисодиётни муҳофаза қилиши тизимини такомиллаширишининг долзарб масаллари ва инновацион механизмлари тадқиқиқ қилинган. Муаллиф яшил иқтисодиёт тушиунчаси мазмуни, моҳияти ва уни амалга ошириши амалиёти, бевосита жамиятда олиб борилаётган ислоҳатлар натижаси билан боғлиқлигини таъкидлайди. Фуқоралик жамияти юксалиши давом этаётган даврида, ижтимоий иқтисодий жараёнларда экологик мувозанатни сақлаш жараёни, бевосита инсон фаолияти демократик ислоҳатларни амалга ошириши, мустаъил, дунёвий, ижтимоий давлат қуриш стратегияси амалиётига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам инсон экологик муҳофазаси жамиятда институционал тизимнинг мунтазам такомиллашувини вужуздга келтиради.

**Калит сўзлар:** Экология, яшил иқтисод, инсон, ёшлар, экологик таълим, стратегия, атроф муҳит, хавфсизлик.

**Аннотация:** В статье рассматриваются актуальные вопросы и инновационные механизмы защиты зеленой экологии в условиях нового Узбекистана. Авторы статьи раскрывают содержание, особенности и практики проблемы зеленой экологии, тесно связав ее с результатами реформа проводимых в обществе. В условиях формирование гражданского общества, процесс соблюдение экологического равновесия непосредственно связана с осуществлением демократических реформ, строительством суверенного, правового, светского, социального государства. С учетом вышеизложенного защита зеленой экологии человека требует системного совершенствования ее институциональных основ.

**Ключевые слова:** Экология, зеленая экономика, человек, молодежь, экологическое образование, стратегия, окружающая среда, безопасность.

### КИРИШ

Мамлакатимизнинг янги тараққиёт босқичида яшил иқтисодиёт, яъни инсон экологик хавфсизлигини таъминлаш бевосита ислоҳатлар мақсади билан

боғлиқдир. Бундай стратегик аҳамиятга молик ишларни амалга оширишда ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш масалаларининг ечимида, атмосфера ҳавосининг тозалигини сақлаш, минерал хом ашё захираларимизнинг Ватанимиз бугуни ва келажаги учун фойдаланишда жонкуярлик ишларини амалга оширишда ёшларнинг ўрни муҳимдир. Ҳозирги даврда экологик ҳолатнинг асосий қисмларидан бири мавжуд минерал хом ашё, шу жумладан, газ, нефть ресурсларидан тежамли фойдаланишни ташкил этишдан иборат. Масаланинг аҳамияти фақат унинг тарбиявий томонида эмас, балки юртимизнинг ижтимоий иқтисодий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқлигидадир.

## АДАБИЁТЛАР ШАРХИ.

Яшил иқтисодиёт, яъни инсон экологияси мустақил фан сифатида шаклланишида экология мавзуида тадқиқотлар ва уларнинг амалиётга жорий этилиши муҳим аҳамият қасб этган. Тирик организмларнинг, шу жумладан инсон экологияси ҳақидаги илмий хулосалар ва қарашларнинг умумлаштирилиши натижасида инновацион назариялар вужудга келган. Жумладан, эколог олим А. Ф. Миддендорф<sup>1</sup> ҳайвонларнинг климатик шароитларда яшаши тўғрисидаги ғояларни илгари суради. Геккель, Эрнст.<sup>2</sup> экологиянинг амалий аҳамияти тўғрисида ва унинг назарий жиҳатларини тадқиқ қилган. К. Мебиус -биоценоз тўғрисидаги тушунчани фанга олиб кирган<sup>3</sup>. Таъкидлаш лозимки ўсимликлар экологияси тўғрисидаги тушунчалар илмий ёндашувлар, ўсимликлар физиологияси ва фитогеография атрофида шаклланган. Ҳозирги даврда экологиянинг ривожланиш босқичида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, кўп жиҳатдан биосферанинг ҳозирги ҳолатига бағишлиланган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг соҳа институтлари ёш тадқиқотчилари, университетларда фаолият кўрсатаётган докторантлар, ёш педагоглар, докторантларнинг илмий тадқиқотларининг маълум қисмида экологик муаммоларнинг ечими изланмоқда. Мавзу тадқиқи давомида Ҳакимов Н.Ҳ. Зулфиков Ш.Ҳ. Қодиров Н.Н.Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида экологик муаммоларнинг вужудга келиши сабабларини, Ҳакимов Н.Ҳ. инсон экологиясининг моҳияти ва унингн ислоҳатлар кўлами

<sup>1</sup> Миддендорф А. Ф. Путешествие на Север и Восток Сибири. Ч. 2. Север и Восток Сибири в естественно-историческом отношении/ Репринтное воспроизведение изданий 1869 и 1878 годов. Отдел V. Сибирская фауна. Отдел VI. Коренные жители Сибири. - СПб.: ООО Изд-во ГеоГраф, 2006. - 850 с., ил.

<sup>2</sup> Геккель, Эрнст. Красота форм в природе. - СПб.: Издательство Вернера Регена, 2007. - С. 144. - ISBN 5-903070-08-6. Геккель, Эрнст. Мировые загадки. Общедоступные очерки монистической философии. - М.: Либроком, 2012. - С. 256. - ISBN 978-5-397-02200-2.

<sup>3</sup> Мёбиус Карл Август // Большая советская энциклопедия: [в 30 т.] / под ред. А. М. Прохоров г 3-е изд. - М.: Советская энциклопедия, 1969.

билин боғлиқлигини ўрганган<sup>4</sup>. Алихонов Б. Жакбаров С. Биохилмажилликни сақлаш - барқарор ривожланиш омили эканлигини<sup>5</sup>, тадқиқотчи Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари (олий ўкув юрти мисолида) тадқиқ қилган<sup>6</sup>. Маликова А.Р. Педагогика олий ўкув юрти талабаларида экологик маданиятни шакллантириш масалаларини<sup>7</sup>, Мамашакиров С. Экологиянинг амалий жиҳатларини<sup>8</sup>, Нишонова Н.Ў. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг экологик маданиятини ривожлантириш жиҳатларини таҳлил қилган.<sup>9</sup>

### АСОСИЙ ҚИСМ.

Янги тараққиёт босқичида экологиянинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради. Биринчидан, табиий ва сунъий (инсон томонидан яратилган) тизимлар тузилиши ва фаолияти ҳақидаги тадқиқотлар. Иккинчидан, турларнинг жойлашиш худуди, ёши, жинси, ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг қўпайиши. Учинчидан, биоценозларнинг яшаши тизимлари умумий сонига нисбатан қўпайиш қонуниятлари тўғрисидаги илмий қарашлар. Тўртинчидан, турли экотизимлар орасидаги модда ва энергия алмашинуви ҳақидаги илмий хulosалар. Бешинчидан биосферадаги жараёнлар ҳақидаги умумлаштирилган тушунчалар ҳамда биосферада биоген элементларнинг айланиши, уларни ҳисоблаш методи баҳоланиши тўғрисидаги инновацион фикрлар. Шунинг учун ҳам экология биологик фан сифатида инсон ва биосфера ва атроф-муҳит орасидаги муносабатларни унинг ташкилий жиҳатларини ўрганади. Ҳозирги даврда ижтимоий экология фан сифатида умумий экологияга ва хусусий экологияга бўлинади. Умумий экология, ўз навбатида, аҳоли экологиясини, жамият экологиясининг экотизимини ўрганади. Хусусий экология, ўз навбатида, ўсимликлар экологияси, ҳайвонлар экологияси, бактериялар экологияси ва замбуруғлар экологиясига бўлинади.

Инсон экологик хавфсизлигини таъминлаш институционал тизими такомиллаштирилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология

<sup>4</sup> Ҳакимов Н.Ҳ. Зулфиковоров Ш.Ҳ. Қодиров Н.Н. Ўзбекистон янги тараққиёт босқичида. Тошкент, Иқтисодиёт, 2022.Бет. 365. Ҳакимов Н.Ҳ. Инсон экологияси. Тошкент, Иқтисодиёт, 2021.Бет. 345.

<sup>5</sup> Ҳуррият, 23 май 2012

йил.<http://parliament.gov.uz/upload/iblock/fad/jojtgejkbldbsionxbpjwipslnutde%20hmxnrygijuk-bcusoaaejwmtmee.pdf>

<sup>6</sup> Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари (олий ўкув юрти мисолида) тадқиқ қилган<sup>6</sup>. Пед. фан. ном...дисс. – Т. 2006. -9 б.

<sup>7</sup> Маликова А.Р. Педагогика олий ўкув юрти талабаларида экологик маданиятни шакллантириш:<sup>7</sup> Пед.фан.номз ... дисс. – Т.: 2010. -8 б.

<sup>8</sup> Мамашакиров С.Ваҳимами ёки ҳақиқат. Тошкент, —Иқтисод- молия‖, 2012.Б.8.

<sup>9</sup> Нишонова Н.Ў. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг экологик маданиятини ривожлантириш жиҳатларини таҳлил қилган (адабий таълим мисолида): Пед. фанл, номз. ... дисс. – Т.: 2001. -4 б.

ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 октябрдаги қарори стратегик аҳамиятга эга бўлди. Қарорда таъкидланганидек, сўнгги йилларда республикада экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг инсонлар соғлиғига заарли таъсирининг олдини олиш, шунингдек, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида техник ва технологик жараёнлар оқибатида юзага келаётган муаммоларни ҳал этишга янги ёндашувларни жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Жамият тараққиётининг янги босқичида экологик мувозанатни уйғунлаштириш ғоясини амалиётида ва унинг институционал асосларини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимиз асосий қомусининг 62 моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” деб белгилаб қўйилган<sup>10</sup>.

Янги Ўзбекистонда Республика шаҳар ва туманларида санитария жиҳатидан тозалашнинг мутлақо янги тузилмаси яратилди. Барча жойларда давлат-хусусий шериклик шароитида замонавий технологияларни қўллаган ҳолда чиқиндиларни тўплаш, ташиш ва қайта ишлиш кластерларини ташкил этишни назарда тутувчи чиқиндиларни комплексли бошқариш тизими жорий этилмоқда. Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил давомида белгиланган вазифаларнинг тегишли даражада амалга оширилишини, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ислоҳотларни белгиланган суръатларда ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи қатор омиллар мавжудлиги аниқланди, хусусан:

биринчи, давлат экологик инспекциявий фаолиятининг ягона вертикали мавжуд эмаслиги ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланишга қарши курашишни самарали олиб бориш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш имконини бермаяпти;

иккинчи, санитария жиҳатидан тозалаш соҳасидаги субъектларнинг ташкилий, техник, иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолияти етарли даражада мувофиқлаштирилмаяпти;

учинчи, экологик тарғиботни ташкил этиш ва олиб бориш бўйича самарали механизмларнинг йўқлиги мазкур йўналишда ижтимоий реклама ва амалга оширилаётган ахборот-тушунтириш ишларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 62 модда. <https://lex.uz/docs/6445145>

тўртинчи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимиға, шу жумладан, атроф-муҳит ҳолатини моделлаштириш ва прогнозлаштиришда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари етарли даражада жорий этилмаяпти<sup>11</sup>.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда янги ривожланиш босқичида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш мақсадида:

2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини амалга ошириш бўйича Йўл харитаси тасдиқланди. Концепция эришилган натижалар мақсадли кўрсаткичлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан уч йил муддатга алоҳида алоҳида тасдиқланадиган Йўл хариталари асосида босқичма-босқич амалга оширилади.<sup>12</sup> Фуқоралик жамияти шароитида экологик хавфсизликни таъминлаш учун давлат бошқарувини такомиллаштиришни талаб қиласди. Шунинг учун ҳам республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик шароитни яхшилаш, чиқиндиларни атроф-муҳитга заарли таъсирини олдини олиш ва аҳоли саломатлиги, аҳоли турмуш тарзи сифати ва даражасини ошириш учун қулай шароит яратиш жараёнини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Экологик масалларнинг долзарблигини, унинг инсон саломатлиги билан боғлиқлиги, демократик ислоҳатларга алоқадорлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2023 йил 31 майдаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тузилди<sup>13</sup>.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 3 октябрдаги қарори. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2018 й., 07/18/3956/1994-сон; 21.03.2019 й., 07/19/4247/2801-сон; 22.07.2020 й., 06/20/6031/1088-сон.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.||2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси” <https://uza.uz/oz/documents/2030-yilgacha-b-lgan-davrda-zbekiston-respublikasining-atrof-31-10-2019>

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. <https://lex.uz/docs/6479134#6482680>

Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги давлат органи ҳисобланади. Вазирлик қошида Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети ташкил қилинди. Университет тасаруфига Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази, «Эко-энергия» илмий татбиқ этиш маркази, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти (филиали, 5 та илмий-тажриба станциялари, Чўл ҳудудларида ўрмончиликни ривожлантириш илмий маркази, Ўрмон хўжалигини ривожлантириш инновацион маркази), Ўрмон хўжалиги техникуми, Тошкент гидрометеорология техникуми, Гидрометеорология илмий тадқиқот институти ўтказилди.

Мамлакатимизда инсон экологияси ечимидағи масалларга ёрдам беришда Инсон экологияси моҳияти, мазмуни ва унинг жамият ривожидаги ўрнини аҳолига тушунтиришда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, экологик таълимнинг оммалашувида, бўлажак бакалаврлар экологик маданиятининг юксалишида ҳам оммавий ахборот воситаларининг роли каттадир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофazа қилиш ва иқлиm ўzgariши vазirligi, жамоат ташкилотлари, олий таъlim muassasalari, mutaxassislar ishtirokiда Ўзбекистон телерadiokompaniyasi билан ҳамкорликда юртимиздаги мавжуд экологик вазият, ҳудудларда ёки локал ҳолатда вужудга келаётган экологик тангликларга бағишлиланган радиоэшиттиришлар, телевизион кўrsatuvlar уюштирилиши йўлга қўйилган. Ижодий гуруҳлар томонидан мамлакатимизнинг ранг-баранг бетакрор табиати, табиий ресурсларининг умумий ҳолати, инсон ва табиат муносабатларини тараннум этувчи телевизион фильмлар суръатга олинмоқда. Ҳозирги даврда республикамизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият кўrsatmoқда. Биргина Ўзбекистон Миллий телерadiokompaniyasi таркиbidagi телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 616 соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, мустақилликдан олдин бу рақам бор-йўғи 48 соатга teng эди, холос<sup>14</sup>. Республика телерadiokompaniyasining Ўзбекистон 24, Ўзбекистон, Ёшлар, Тошкент, Оиласий, Маданият ва маърифат, Уз. репорт, Севимли, Спорт, Маҳалла, Ўзбекистон тарихи, ЗўрТВ каналлари ва вилоятлар телевидениеси, мустақил хусусий телевидение каналлари орқали экология масалалариiga

<sup>14</sup> Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1, Тошкент, -Ўзбекистон. 2017, Бет 498.

бағишиланган семинарлар, симпозиумлар, илмий конференциялар иши кенг ёритилмоқда, ижтимоий-иқтисодий тармоқларда мавжуд бўлган, шунингдек инсон фаолияти томонидан вужудга келаётган янги экологик тангликлар моҳияти, оқибатлари тасвирларга туширилиб намойиш этилмоқда ва бундай кўрсатувлар, тадбирлар экологик таълимда, бўлажак бакалавр ва магистрларнинг экологик маданиятининг ривожланишида муҳим роль ўйнамоқда. Таъкидлаш лозимки, экологик муаммолар таҳлилида ва унинг ёшлар тафаккурига таъсирида радио ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун Ўзбекистон радиоси, FM радиоси, Ўзбегим таронаси, Максима радиоси, Ориат доно, Маҳалла, Водий садоси ва бошқа каналларда экологик вазиятга доир эшиттиришлар мунтазам олиб борилмоқда. Экологик муаммоларнинг объектив мазмунда ёритилишида хусусий ахборот воситалари муҳим роль ўйнамоқда. Эътиборга молик жиҳати шундаки, оммавий ахборот воситаларининг таркиби ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Буни юртимиздаги барча телеканалларнинг қарийиб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани ҳам тасдиқлайди<sup>15</sup>. Шунингдек, мамлакатимизда нашр қилинаётган газеталарда, яъни Янги Ўзбекистон, Ўзбекистон овози, Халқ сўзи, Правда Востока ва бошқа нашрларда, журналларда экологияга доир мақолалар эълон қилинмоқда. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ёшлар муҳим ўрин эгаллашини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда ёшларнинг ахлоқий, экологик тарбияси, уларнинг бугунги кун талаблирига жавоб берадиган даражада, юқори малакали мутахассислар ёрдамида замонавий, дунёвий билим олишлари учун барча имкониятлар яратилган. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган Ўзбекистон Республикасини тараққиёт стратегияси ёшларнинг экологик таълим-тарбиясида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистон даврида ёшлар камолотини таъминлашга қаратилган кенг қамровли давлат сиёсати туфайли юртимизда миллий кадрлар тайёрлашнинг хуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий асоси такомиллаштирилди. Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан 2024 йил "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-куватлаш йили" деб аталиши эса ёшларнинг ҳар томонлома ижтимоий, иқтисодий ҳаётда ўз ўринларини эгаллашлари, яшил маконни яратиш тадбирларида иштирок этишлари учун барча имкониятлар вужудга келтирилаётганлигидан дарак беради. Чунки ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор,

<sup>15</sup> Шавкат Мирзиёев.Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.Том 1, Тошкент, -Ўзбекистон|.2017, Бет498..

фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Бу жараёндаги асосий ўринни, келажакда ушбу ёшлар тарбияси учун масъул бўлган бакалаврлар ва магистрлар эгаллайди. Таъкидлаш лозимки, йил давомида, мамлакатимиз барча ҳудудларида амалга ошириладиган яшил маконни яратишга қаратилган тадбирлар мазмуни бевосита экологик вазиятни яхшилаш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўрта маҳсус ва олий таълим тизимида бўлажак кадрлар экологик тарбиясининг муҳимлиги ва амалий аҳамияти мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий иқтисодий ислоҳотлар, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини модернизациялаш, рақамлаштириш масаласи билан чамбарчас боғлиқлигидадир, чунки мамлакатимизда ёшларнинг аҳоли таркибида салмоғи 64,0% ташкил қиласди. Шу жиҳатдан олиб қарасак, уларнинг билим олишлари, тарбияси, касбий тайёргарлиги масалалари хуқуқий демократик, дунёвий, ижтимоий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараённида муҳим аҳамият касб этади.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, таълим муасасалари, жамоат ташкилотлари, фуқоралик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ёшлар орасида узлуксиз экологик таълим-тарбия тизими мунтазам такомиллаштирилмоқда. Натижада Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва Халқ таълими вазирлиги ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликларининг қарори билан Экологик таълим давлат стандарти ва Узлуксиз экологик таълим концепцияси ишлаб чиқилди ва таълим-тарбия амалиётига киритилди. Малакали мутахассислар, етук эколог, файласуф олимлар иштирокида экологик таълим-тарбия бўйича семинарлар ташкил қилинмоқда. Дарсдан ташқари вақтда талаба-ёшлар билан ишлаш учун экологик тўгараклар ишини ташкил этишга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва Халқ таълими вазирлиги томонидан экологик таълим йўналишидаги дарсликлар, ўкув қўлланмалари, тавсиялар тайёrlанди. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги мутахассислари томонидан тайёrlанган ўкув дастурлари, ўкув қўлланмалар ўкув юртларига этказилди. Талabalарнинг экологик тарбиясида муҳим ўринга эга бўлган Экология, ва Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фанлари олий ўкув юртларида ўқитилиши йўлга қўйилди. Мамлакатимизда эколог мутахассислар тайёrlаш масаласи тубдан янгиланди. Олий педагогик таълимда экологик таълим ва тарбия ишининг мукаммаллаштириш, уни демократик ислоҳатлар талаблари асосида ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузурида иш олиб

бораётган ахборот марказининг ишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу қўмитанинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш бўйича тавсиялар дастури амалиётга жорий этилди, қўмитанинг сайди-харакати билан Экология хабарномаси журнали нашр этилмоқда.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Миддендорф А. Ф. Путешествие на Север и Восток Сибири. Ч. 2. Север и Восток Сибири в естественно-историческом отношении/ Репринтное воспроизведение изданий 1869 и 1878 годов. Отдел V. Сибирская фауна. Отдел VI. Коренные жители Сибири. - СПб.: ООО Изд-во ГеоГраф, 2006. - 850 с., ил.

2. Геккель, Эрнст. Красота форм в природе. - СПб.: Издательство Вернера Регена, 2007. - С. 144. - ISBN 5-903070-08-6. Геккель, Эрнст. Мировые загадки. Общедоступные очерки монистической философии. - М.: Либроком, 2012. - С. 256. - ISBN 978-5-397-02200-2.

3. Мёбиус Карл Август // Большая советская энциклопедия: [в 30 т.] / под ред. А. М. Прохоров. 3-е изд. - М.: Советская энциклопедия, 1969.

4. Ҳакимов Н.Ҳ. Зулфикоров Ш.Ҳ. Қодиров Н.Н. Ўзбекистон янги тараққиёт босқичида. Тошкент, Иқтисодиёт, 2022.Бет. 365. Ҳакимов Н.Ҳ. Инсон экологияси. Тошкент, Иқтисодиёт, 2021.Бет. 345.

5.Хуррият, 23 май 2012  
йил.<http://parliament.gov.uz/upload/iblock/fad/jojtgejkabldbsionxbpjwipslnutde%20hmxnrhuyijuk-bcuyoaaejwmtmee.pdf>

6.Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари (олий ўқув юрти мисолида) тадқиқ қилган<sup>1</sup>. Пед. фан. ном...дисс. – Т. 2006. -9 б.

7.Маликова А.Р. Педагогика олий ўқув юрти талабаларида экологик маданиятни шакллантириш:<sup>1</sup> Пед.фан.номз ... дисс. – Т.: 2010. -8 б.

8.Мамашакиров С.Ваҳимами ёки ҳақиқат.Тошкент, —Иқтисод- молия‖, 2012.Б.8.

9.Нишонова Н.Ў. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг экологик маданиятини ривожлантириш жиҳатларини таҳлил қилган (адабий таълим мисолида): Пед. фанл, номз. ... дисс. – Т.: 2001. -4 б.

10.Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. 62 модда.  
<https://lex.uz/docs/6445145>

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 3 октябрдаги қарори. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси,

05.10.2018 й., 07/18/3956/1994-сон; 21.03.2019 й., 07/19/4247/2801-сон;  
22.07.2020 й., 06/20/6031/1088-сон.

12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.||2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-мухитни муҳофаза қилиш концепцияси” <https://aza.uz/oz/documents/2030-yilgacha-b-lgan-davrda-zbekiston-respublikasining-atrof-31-10-2019>

13.ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. <https://lex.uz/docs/6479134#6482680>

14.Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. 1- илова.<https://lex.uz/docs/6479134#6482680>

15.Шавкат Мирзиёев.Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз.Том 1, Тошкент, -Ўзбекистон|.2017, Бет498.